

Бу иши хамирдан қил суғургандай силлиққина битгач, худди шундай шартнома бланкаси билан республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига югуради. Одамлар саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкинлигини била туриб, ноқонуний хатти-ҳаракатдан тўхтамайди.

Текин бойлик орттириш ҳамда мулккий наф кўришни асосий мақсад деб билган Й.Қаршибоев ўзига ишониб топширилган қўйларни сота бошлади. Шу тариқа 894 бош майда шоҳли чорва моллари нақд пулга сотилиб, пуллар эса бош чўпоннинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланди.

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон Республикаси



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 15-sentabr, №37 (1026)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

М.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида

Муротжон Бердиалиевич Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
вазифасини бажарувчи

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2016 йил 14 сентябрь

Муротжон Бердиалиевич Азимов



М.Азимов 1976 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий, 1998 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. У дастлабки фаолиятини 1998 йилда Қарши шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси вазифасидан бошлаб, 1999-2001 йилларда Косон туман ва Қарши шаҳар прокуратураларида терговчи лавозимида меҳнат қилди. 2001 йилдан Қашқадарё вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борди. 2006-2008 йилларда Яккабоғ туман прокурори лавозимида ишлади. 2008-2009 йилларда Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари лавозимида хизмат қилди.

2009-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида етакчи инспектор бўлиб ишлаган.

2014 йилдан шу пайтгача Бухоро вилоят прокурори лавозимида ишлади.

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 14 сентябрдаги буйруғига асосан Саидов Уктамжон Абдуллаевич Сурхондарё вилояти прокурори лавозимига тайинланди.



У.Саидов 1973 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий, 1995 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. У дастлабки фаолиятини Шайхонтоҳур туман прокуратураси иш ўрганувчиси лавозимидан бошлаб, 1996-1998 йилларда Яккасарой туман прокуратурасида терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида катта терговчи, бўлим прокурори лавозимларида хизмат қилди. 1999 йилдан Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси, 2005 йилдан Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, 2010 йилдан Шеробод туман прокурори бўлиб ишлади. 2014 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бошқарма прокурори ва бошқарма катта прокурори лавозимларида фаолият юритди. 2016 йилдан шу пайтгача Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида шўъба инспектори бўлиб ишлаган.

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.



Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ, 2016 йил 4 декабрь, яқанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тadbирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тadbирлар Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошкора, "Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Матбуот маркази Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу куннинг ўзида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

ЎЗА

Ҳамкорлик

«Эгмонт» ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши

Польша пойтахти Варшава шаҳрида «Эгмонт» гуруҳи техник кўмаклашиш ва ўқитиш бўйича ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вакили иштирок этди.

Мазкур халқаро тadbирда "Эгмонт" гуруҳига аъзо Буюк Британия, Канада, Нидерландия, Россия, Швеция, Туркия ва бошқа 40 дан ортиқ давлатларнинг Молиявий разведка бўлиналари ходимлари ҳамда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Базель институти ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Йиғилишда ишчи гуруҳ кун тартибига асосан 2016-2017 йиллар учун белгиланган иш режаси муҳокама қилинди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Тadbир давомида Молиявий разведка бўлиналари ходимлари малакасини ошириш мақсадида бир қатор ўқув курсларини ташкил этиш борасида ўзаро фикр алмашилди. Мазлумки, Молиявий разведка бўлиналари ходимларининг малакасини ошириш "Эгмонт" гуруҳи Низомида белгиланган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибига мувофиқ асосий масалалардан бири — бошқарув

Саидабдор ГУЛЯМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК
департаментининг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

қобилиятини такомиллаштириш юзасидан "Эгмонт" марказини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур марказини ташкил этишнинг илк ташаббускорлари Буюк Британия вакиллари бўлиб, муҳокама давомида марказ яратилишининг асосий сабабларига бағишланган тақдирот иштирокчилар томонидан кўриб чиқилди.

Марказнинг асосий мақсади коррупция хатарини халқаро миқёсда аниқлаш, у билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда "Эгмонт" гуруҳи Молиявий разведка бўлиналари ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур тadbирларни ташкиллаштириш ҳисобланади.

Йиғилиш якунида иштирокчилар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида фаолият олиб бораётган бошқа халқаро ташкилотлар томонидан амалга ошириб келинаётган ташаббуслар ва бошқа масалалар юзасидан музокаралар олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси делегациясининг бу каби халқаро йиғилишларда иштирок этиши жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Инсон қадри ҳамиша баланд

Мамлакатимиз қонунчилиги инсонпарварлик тамойиларига таънади. Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз нормаларида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида қўшилган 70 га яқин халқаро ҳужжатларнинг қондалари ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари доимо прокуратура органларининг диққат марказида. Мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя шахснинг меҳнат қилишга, ижодий, интеллектуал қобилиятлари, ташаббускорлигини намоён этишга бўлган интилишларини кучайтириб, унга кенг имкониятлар беради. Шу билан бирга, одамларнинг ўзига, жамият ва давлатга бўлган ишончини, садоқатини оширади.

Урганч шаҳар прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Урганч шаҳар бўлимида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонун ижроси ўрнатилганда баъзи камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, бўлим томонидан нафақа тайинлаш комиссиясининг қарорлари текширилганда, айрим қарорларнинг қонун талабларига тўри келмаслиги маълум бўлди. Комиссиянинг шу йил 31

мартдаги қарори билан фуқаро Аноржон Абдурахманованин иш стажига бўлган талаб нотўри қўйилиб, пенсия қайта ҳисобланганлиги сабабли, фуқарога тайинланиши лозим бўлган пенсия тўловидан ҳар ойда 50 фоиздан чегириб қолиш жорий қилинган. Текшириш жараёнида А.Абдурахмановага пенсия тайинланиш тарихи тўлиқ ўрганилди. Маълум бўлишича, Урганч шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан 1998 йил 26 апрелда А.Абдурахмановага умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли

шартларда пенсия тайинланган. 2003 йил 1 июлда эса бўлимнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда А.Абдурахмановага тайинланган имтиёзли пенсия умумий асосларга кўра, қайта тайинланиб, 10 фоиз устама белгиланган.

Нафақа тайинлаш комиссиясининг биз юқорида тилга олган қароридан, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 47-моддаси 1-қисми ва 49-моддаси талаблари бузилганлиги кўрсатилиб, 5 йил олдин тайинланган пенсия ишларидаги иш стажлари талаби асосида ўзгартирилиши натижасида А.Абдурахмановага 4367,4 минг сўм ортиқча тўлаб берилган дея, тўлов ундирилгани белгиланган.

Барчамизга маълумки, ФКнинг 150-моддасида "Умумий даъво мuddати уч йил" қилиб белгиланган. А.Абдурахмановадан 12 йил олдин тайинланган пенсия пулларини қайтариш тўғрисидаги

қарор ушбу талабларга мутлақо зиддир. Қолаверса, А.Абдурахмановага умумий асосларга кўра қайта тайинланган 2003 йил 1 июлдаги фармоишдан фуқаронинг хабари бўлмаган ва йўл қўйилган ҳақида унинг айби бўлмаган.

Урганиш жараёнида шунингдек, комиссия томонидан яна 159 нафар фуқаронинг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори бекор қилинишида қоронидаги каби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Бўлим пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг 2016 йил 26 апрелдаги қарори билан фуқаро Г.Айназаровага имтиёзли шартларда кўп болали она сифатида ёшга доир тайинланган пенсия туғруқ ва бола парвариллаш даври талаб қилинган иш стажига нотўри қўйилган деб, ушбу даврлар иш стажидан чиқарилиб, рад қилинган.

Маълум бўлишича, Г.Айназарованин имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи иш стажини ҳисоблашда фар-

Ойбек ШАМУРАТОВ,
Урганч шаҳар прокурори

зандларини туғиш, ҳомиладорлик ва бола парвариллаш таътилида бўлган даври иш стажига қўшиб ҳисобланиб, 2007 йил 2 декабрда жами 20 йил 6 ой иш стажини билан имтиёзли шартларда пенсия тайинланган.

Урганиш жараёнида Г.Айназарованин иш стажини тўғри ҳисоблангани маълум бўлди. Қолаверса, бу ҳолатда ҳам даъво мuddати уч йилдан ўтиб кетган, 8 йил олдин тайинланган пенсия пулларини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шу каби, 17 нафар фуқаронинг пенсия пули рад қилинишида қонун бузилишига йўл қўйилган.

Урганиш натижаларига кўра, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Урганч шаҳар бўлими пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссиясининг 194 та қарори қонун талабларига риоя қилинмасдан қабул қилинганлиги сабабли уларни бекор қилиш юзасидан протест келтирилди.

Олий маълумотли Сожида Эшбоева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бундан бир неча йил олдин айнан фирибгарлик жинояти учун жазага тортилган ва мамлакатимизда қўлланилиб келинаётган амнистия акти унинг жонига аро кирган эди. Афсусланарлиси, яна эски «хунари» хуруж қилган С.Эшбоева бу сафар ўзини ҳам фириб домига тортиди. Натижада энди она-бола суднинг қора курсисидан жой олди.

Фирибгарнинг «эртага»си кўп

Хурушид БАБАЕВ,

Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Дастлаб, узокроқ танишининг муаммосини ҳал қилиб беришни ваъда қилган Сожида унинг 200 АҚШ долларини кўлга киритиб, "жигилдони"га уриб юборди. Кейинги сафар эса ўзини саховатпеша, уddaбурон аёл сифатида кўрсатиб, сингисининг ўғлини ишга олиб кириб қўяман, деб 1500 АҚШ долларини ўзлаштиради. 2011 йилда қоп-қоп ваъда билан кўлга киритилган пулни қайтариш у ёқда турсин, ишга киритишни ҳам турли баҳоналар билан беш йил давомида ортага суриб келаверади.

Одамларнинг ишонувчанлигидан ўз мақсади йўлида фойдаланишининг ҳадисини олган бу аёлнинг ўғли Шавкат Эшбоев ҳам онасидан сабоқ олиб, унинг хунарини давом эттиради. Далада қўйларини боқиб юрган Фатхулла исмли чўпон Шавкатнинг кўзига бой одамдек кўринди, шекилли, уни осонгина тузоғига илинтирди. Уйланиш тараддудига тушган Шавкатнинг бир бош қўйни уйига етаклаб келганини кўрган она уни яна ўша чўпоннинг ёнига жўнатади. Нияти нопок онанинг ҳаракатлари зое кетмади. Шавкат содан чўпоннинг яна икки бош қўчқорини уйига етаклаб келиб, сотиб юборди. 2 миллион 800 минг сўмга баҳоланган қўйларнинг пули тўй ўтганидан кейин қайтарилиши керак эди. Афсуски, она-бола буни парвойига ҳам келтиришмади. Фирибгарларнинг "эртага"сидан, уларникига қатнашдан чарчаган жабранувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлишди.

Она ва ўғилнинг қилмишлари юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, судда тўриб чиқилди ва фирибгарларга қонуний жаза тайинланди.

Чегарабузар

Иқром НАРЗИЕВ,

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ёши олтишдан ошган Ўроз Мардиев кексалик гаштини суралган даврда. У бу ёшда фарзанду невараларига нима яхши-ю, нима ёмонлиги, амалдаги қонун-қодаларнинг маъносини эринмай тушунтирмади ва унга амал қилишни ўргатиши лозим. Лекин афсуски, у бу борада ибрат бўладиган иш қилмади.

Бундан тўрт йил муқаддам Ў.Мардиев қариндошининг маърақасига бориб-келиш мақсадида белгиланган тартибни қасддан бузади. Мирзачўл туманидаги "Янги дала" ҚФЙ худуди бўйлаб ўтган давлат чегарасидан Қозоғистон Республикасининг Махтаарал туманига ўтади. Шу куннинг ўзида худди шу йўл билан давлат чегарасига ўрнатилган чегара симлари орасидан ўтиб, Ўзбекистон Республикасига қонунга хилоф равишда кириб келади. Лекин ўша пайтда Ў.Мардиев қонун ҳимоячиларига чап беришининг уддасидан чиққан эди.

У Қозоғистон Республикаси худудига давлат чегаралари бўйича белгиланган тартибда ўрнатилган чегара назорат пунктларидан ўзининг фуқаролик паспорти билан ўтиб-қайтиши кераклигини билса-да, бу тартибга амал қилмайди. Ортиқча вақт ва

маблағ сарфлашни хоҳламасдан, давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтиб, Қозоғистон Республикасининг Махтаарал туманида яшовчи қариндошларини кўрмоқчи бўлади. Шу билан бирга, ўша ерда турмуш ўртоғининг муқаддам меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлардан маълумотномалар олиб келишни мақсад қилади.

Халқимиз кўза кунда эмас, кунда синади, деб бежизга айтмаган. Шу йилнинг 9 март куни эрталаб яна "сафар"га отланган Х.Мардиев "Янгидала" ҚФЙ худудидан ўтган давлат чегараси бўйлаб ўрнатилган чегара симлари олдида бориб, тақдоран белгиланган тартибни бузган ҳолда қўшни давлат худудига чиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин бу сафар чегарачилар томонидан ушланди.

Ўроз Мардиевга қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойиллари қўл келди. У суд ҳукмига асосан айбли деб топилди, 5 йил мuddатга озодликдан маҳрум этилган бўлса-да, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддаси қўлланилди. Шу боис тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлиги алмаштирилди ва унга 3 йил синов мuddати белгиланди.

Номақбул усул

Одатда ҳар қандай тўлов учун чек ёки тўлов қвтанциялари берилди. Чек ва қвтанциялар бир парча қоғоз бўлса-да, аслида тўловни тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Агарда чек ёки қвтанция берилмаса, лемак, савдо ва хизмат кўрсатиш қондалари бузилган ҳисобланади.

Тўлқин ҚҮРБОНОВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Қашқадарё вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

"Сувоқава" корхонаси Яккабоғ тумани филиали бошлиғи Т.Тўлқинов бу қондалардан хабардор бўлса-да, негадир унга амал қилишни истамди. Туман почта алоқа тармоғи масъул ходимлари билан тил бириктириб, пенсионерларни "нишон"га олди. Ҳаракатларига қонуний тус бериш учун ўзаро шартнома ҳам тузишди. Аммо...

Қоидага кўра, аҳолига пулли хизмат кўрсатаётган барча юридик шахслар назорат-касса машинасидан фойдаланишлари шарт. Бирок "Сувоқава" туман филиалида ҳам,



почта алоқа тармоғида ҳам назорат-касса машинаси ўрнатилмаган эди. Шунда бўлса-да, Т.Тўлқинов пенсионерларнинг пенсия пулларидан сохта қвтанциялар орқали

ичимлик суви учун ҳақ олинишини йўлга қўйди. Унинг бу иши СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яккабоғ туман бўлими ходимлари томонидан фош этилди.

Ўтказилган текширув жараёнида пенсионерлардан 2013 йилда 17 миллион 968 минг сўм, 2014 йилда 17 миллион 541 минг сўм, 2015 йилда эса 11 миллион 50 минг сўм, жами 46 миллион 560 минг сўм миқдордаги нақд пул ушлаб қолинганлиги, бу сумма назорат-касса машинаси орқали қирим қилинмасдан, кўп миқдорда хизмат кўрсатиш қондалари бузилганлиги маълум бўлди.

Т.Тўлқиновга нисбатан жиноят иш кўзгатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хизмат сифрати, тез ва шаффоф бўлсин



лат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан 2015 йил 14 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом" тасдиқланди.

Оқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Жиззах шаҳри ва барча туманларда "Ягона дарча" марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятини кенгайтириш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш юзасидан тегишли чоралар қўрилди. Аммо шу билан биргаликда кузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, ҳали жойларда "Ягона дарча" марказлари ишини ташкиллаштириш, унинг хизмат кўрсатиш имкониятларини йўлга қўйиш соҳасида нуқсонлар ҳам учраётган.

Ўрганишлар довомида марказлар фаолиятини ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бир неча қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, 10 та ҳолатда марказда навбат кутишни бошқаришнинг электрон тизими усунуналари ўрнатилмаган ҳамда кўрсатилаётган давлат хизматлари тўғрисида жамоатчилик фикри ўрганилмаган. Шунингдек, аризачилар учун қулай бўлган жойларда ахборот стендлари тўлиқ жиҳозланмаганлиги, хизмат турларининг марказ хизматига интеграция қилинмаганлиги, марказнинг электрон ҳамкорлик тизимига давлат органлари ва бошқа тегишли ташкилотларнинг ланмаганлиги билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатлари ҳам кузатилган.

Шунингдек, баъзи марказда тадбиркорлик субъектларига ариза олинганлиги ҳақида тилхатлар берилмаган. Аризаларнинг Низомда белгиланган муддатларда кўриб чиқиши таъминланмаган, гувоҳномалар ва рухсатномалар ҳам тегишли тартибларга зид равишда ўз муддатида топширилмаган.

Жиззах шаҳар ва Бахмал тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтқа-

зиш инспекцияси негизда ташкил этилган "Ягона дарча" марказларида телефон хизматига қилинган мурожаатларнинг ҳисоби алоҳида юритилмаган ва улар умумлаштириб берилмаган. Зарбдор ва Мирзачўл туманларидаги "Ягона дарча" марказларининг биносида эса навбатни бошқаришнинг электрон тизими дастурий усунуналари ўрнатилмаган. Меъёрий ҳужжатларга асосан марказларда аризачилар учун ахборот стендларининг жиҳозланиши ва улар аризачилар танишиши учун қулай жойга ўрнатилиши назарда тутилган бўлса-да, Мирзачўл туманидаги марказда бундай имкониятлар яратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабига зид равишда айрим идораларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар марказ ва бошқа идоралар тизимига интеграция қилинмаган. Натижада ахборотлар алмасишуви қоғоз шаклида амалга оширилмоқда ва ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз равишда аризаларни кўриб чиқиш жараёнига тадбиркорлик субъектларининг ўзлари жалб қилинмоқда. Хусусан, Жиззах шаҳри, Зомин ва Янгибод туманларидаги "Ягона дарча" марказларида давлат хизматини кўрсатувчи ваколатли орган сифатида ҳокимликлар, уларнинг архитектура ва қурилиш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимлари, "Сувоқава" давлат унитар корхонаси интеграция қилинмаганлиги сабабли ахборот айирбоғлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хилоф равишда баҳарилмоқда.

Республика Президентининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорининг 2-бандида ариза берилган вақтдан бошлаб тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олинб, унга бу ҳақда гувоҳнома тақдим этишгача бўлган муддат кўпи билан икки иш кунидан ошмаслиги кўрсатилган бўлишига қарамай, Арнасой туманида 5 нафар, Жиззах шаҳри ва Мирзачўл туманларида бир нафардан яқка тартибдаги тадбиркорларга муайян фаолият тури

Маъруф ХўЖАМКУЛОВ,

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

билан шугулланишга доир гувоҳномалар берилмаган. 7 нафар юридик шахс ҳам гувоҳномаларини тегишли муддатларда олишмаган.

Тадбиркорлик субъектларининг электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда уланиши билан боғлиқ барча ишлар жойлардаги электр таъминоти корхоналари томонидан шартнома асосида бажарилиши лозим. Аммо текшириш жараёнида Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонаси бир қатор масъулияти чекланган жамиятлари билан шартнома тузмаганлиги маълум бўлди.

"Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акционерлик жамияти тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига фойдаланишга тайёр ҳолда улаш хизмати бошлиғи К.Тўраев мавжуд қонун талабларини бажаришда масъулиятсизлик қилган. Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" маркази томонидан "Сеvara капитал инвест" масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 28 январдаги, "Осиё Сангзор Савдо" масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 3 февралдаги электр тармоқларига тайёр ҳолда улаб бериш юзасидан мурожаатлари тўлиқ бажарилмаган. Уларга фақат техник шартлар берилган, холос.

"Қамол инвест сервис" ва "Жиззах эҳтиёт қисм сервис" масъулияти чекланган жамиятларининг 2016 йил апрель ойидаги электр тармоқларига тайёр ҳолда улаб бериш ҳақидаги мурожаатлари юзасидан тадбиркорлик субъектлари номига расмийлаштирилган шартномалар ҳам ўрганиш кўнига қадар марказга етказиб берилмаган. Соҳага оид қонунчилик ижросини таъминламаганлиги учун К.Тўраевга нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Текшириш натижаларига кўра, қонун бузилиши ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ваколатли органларга 12 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 2 та қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида протест келтирилиб, 5 нафар мансабдор шахс маъмурият ва 11 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.



Тадбиркорнинг ҳуқуқий химояси

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, соҳа вакиллари янада қулай шароит ва рағбатлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Зеро, кичик бизнес субъектлари бозор конъюктураси ўзгаришларига тезроқ мослашиш хусусиятига эга бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун яратилган қулай шароитлар уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини, бандлиги, капитал қўйималар ва экспортгаги улашининг ортшига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлиги, яшаш тарзи, дунёқароши ўсишига сабаб бўлади.

Шунингдек, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилиш ҳамда ривожлантиришга қаратилган фармонлари, шу асосда қабул қилинган қонун ва қонунности

ҳужжатлар мамлакатимизда мулкчилик шаклини тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишларни юқори босқичга олиб чиқди. Бинобарин, бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбир-

корлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этишда, хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини қулайтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий химоясига доир қонунчилик мазмун-моҳиятини аҳоли эътиборига етказиш бўйича 2589 маротаба тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шу билан бирга, вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда мунтазам равишда вилоятнинг туман-шаҳарларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўлаб-қуватлаш борасида очик мулоқот кўри-нишида учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирларда тадбиркорлар томони-

дан ўртага ташланган турли муаммолар ҳудудлардаги назорат ва бошқарув идоралари раҳбар ходимларига етказилиб, ҳал этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин равишда шугулланаётган фуқароларни аниқлаш, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш йўли билан фаолиятига қонуний тус бериш бўйича ҳам ҳуқуқий чоралар кўрилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида муқаддам ноқонуний фаолият юритган 173 нафар фуқаронинг белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинишига ва 209 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Мисол учун, Зангиота туманида яшовчи фуқаро Ф.Аҳме-

Хуриш БОЙМИРЗАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси катта
инспектори

дов яширин равишда турли чикиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш билан шугулланаётганлиги аниқланиб, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида "Max almay service" МЧЖ ташкил этилди. Унинг фаолиятига қонуний тус берилиши натижасида эса 4 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, тарғибот ишлари домида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истagini билдирган 1024 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, улар тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди ва қўшимча 1326 та янги иш ўринлари яратилди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ — ДАВР ТАЛАБИ

XXI асда дунёдаги барча мамлакатларда коррупция мавзуси энг долзарб масалалардан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳақда турли оммавий ахборот воситаларида кўрсатувлар намойиш этилмоқда, мақолалар чоп этилмоқда, конференцияларда муҳокама қилинмоқда.



Луқмонбой АСАТОВ,
Самарқанд вилоят ҳўжалик суди
судьяси

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов шундай таъкидлаган эди: "Ҳеч шубҳасиз, мамлакатда коррупцияга қарши курашининг даражаси, унинг амалий самараси кўп жиҳатдан ҳуқуқ-тартибот, прокуратура ва суд органлари тизимининг ўзида бу иллатга қарши қандай кураш олиб борилаётгани билан боғлиқдир".

Энг аввало, коррупция сўзининг қандай маънони англатишини билиб олоқ лозим. "Коррупция" сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, "пора бериб сотиб олиш", "пора эвазига оғдириб олиш" каби маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида коррупцияга шундай таъриф берилган: "Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга маддор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир".

Маълумки, коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, 2003 йил 31 октябрда БМТ томонидан "Коррупцияга қарши Конвенция" қабул қилинган.

Таъкидлаш лозимки, 2008 йилда Ўзбекистон Республикасида БМТнинг ушбу Конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ва ҳозирги кунда дунёнинг 10 давлати унда иштирок этиб келмоқда.

Конвенциянинг асосий мақсадлари сифатида куйидагилар кўрсатилган:

биринчидан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган самарали ва таъсирчан чораларни қўллаш, шу жумладан, давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш ва жинойатчиларни топшириш тартибини ўрнатиш ва амалга оширишда ёрдам бериш; иккинчидан, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш, мусодара қилиш ва активларни қайтариб бе-

ришда халқаро ҳамкорлик ва техникавий ёрдамни қўллаб-қувватлаш, осонлаштириш ва рағбатлантириш;

учинчидан, аъзо давлатларда ҳалоллик ва пок виждонлиликни, масъулиятни, давлат ва жамоат ишларини тўғри бошқариш ҳамда уларнинг мулкидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш.

Айтиш жоизки, коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, Канада, Франция, Голландия, Россия давлатлари томонидан норматив тусдаги ҳужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, АҚШнинг 1990 йил 17 октябрдаги "Давлат бошқаруви хизматчилари ва амалдорларининг одоб-ахлоқ принциплари", 1989 йилги "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни, 1978 йилги "Бошқарув муассасаларининг этикаси тўғрисида"ги Қонуни, Франциянинг 1946 йилги "Давлат хизматининг бош мақоми" каби норматив ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, 1990 йилда БМТ махсус "Давлат бошқаруви соҳасида коррупция" деб номланган резолюциясини қабул қилган. 1996 йилдаги "Коррупцияга қарши кураш" резолюциясида давлатларни коррупциянинг халқаро алоқаларга боғлиқ бўлган жиҳатларига, айниқса, корпоратив таъшилотларнинг халқаро иқтисодий фаолиятини амалга оширишда рўй берадиган ноконуний битимларни жиддий ўрганиб чиқишга чақирган. Бу ҳақда БМТнинг "Халқаро савдо операцияларида коррупция ва порахўриликка қарши кураш тўғрисида"ги Декларацияси ҳам мавжуд. БМТ доирасида қабул қилинган 1996 йилдаги резолюцияси билан тасдиқланган "Давлат мансабдор шахслари ахлоқининг халқаро кодексини" да давлат мансабдор шахслари фаолиятининг принциплари белгилаб берилган эди.

Шуни яна алоҳида қайд этиш лозимки, Европа Иттифоқи доирасида коррупцияга қарши курашиш борасида 2 та муҳим халқаро ҳужжат қабул қилинган. Булар 1999 йилда "Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида"ги ва "Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик

тўғрисида"ги Конвенциялардир.

Коррупция жинояти бўйича БМТ алоҳида шуғулланиб, махсус қарор қабул қилган ва коррупцияни куйидагича таърифлаган: 1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкни ўғирлаш, талон-торож қилиш ва ўзлаштириш; 2) ноконуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш; 3) ижтимоий бурч ва шахсий тамағирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, XXI асрда коррупция жинояти бир давлатнинг эмас, балки бутун дунё давлатларининг муаммосига айланди.

Ҳуқуқий адабиётларда ёзилишича, коррупция давлатларнинг иқтисодийётига хорижий инвестицияларнинг кириб келишига жиддий тўсқинлик қилади. БМТнинг маълумотларига қараганда, коррупция билан инвестициялар оқими ўртасида ўзаро қарама-қаршилик мавжуд экан, яъни давлатда коррупция даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат иқтисодийётига инвестициялар кириб келиш даражаси шунча паст бўлади.

Бугун жаҳон ҳамжамияти шунга амин бўлмоқдаки, коррупция иллати одам савдоси, терроризм, гиёҳванд моддалар, курол-яроғ савдоси каби халқаро жиноятлар билан бевосита боғлиқ.

Шу нуқтага назардан қараганда, дунё миқёсида коррупция иллатига қарши кураш олиб бориш учун дастлаб унинг келиб чиқиш илдиэларини аниқлаш муҳимдир.

Қайд этиш лозимки, коррупция ҳақидаги ҳуқуқий манбаларда унинг асосий сабаблари сифатида куйидаги 4 та омил кўрсатилган. Булар — иқтисодий илдиэлар, ҳуқуқий сабаблар, институционал сабаблар ва ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит.

Коррупциянинг биринчи омил бўлган иқтисодий илдиэлар ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, тарихан коррупция иқтисодий ҳодиса сифатида товар-пул муносабатлари бор жойда мавжуд бўлиб келган. Давлатда иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хил чеклашлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан холи, чекланмаган ё рухсат бериш, ё тақиқлаш ваколати

коррупциянинг куртак отишига замин яратади. Шу билан бирга, катта бойликларга эга бўлган баъзи ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш ва бозордаги рақобатда алоҳида имтиёэларга эга бўлиш мақсадида ҳукумат амалдорларини пора эвазига сотиб олиш, уларни ўз ихтиёэларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар.

Коррупциянинг навбатдаги омил — ҳуқуқий сабаблар ҳақида айтганда, унинг ривожланишига давлатдаги қонунларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, номукамал бўлган қонунлар ишламайди ва коррупцияга мойил шахслар бундан устамонлик билан фойдаланишга интиладилар.

Коррупциянинг кейинги омил институционал сабаблар бўлиб, уларга давлат бошқаруви тизимидаги нуқсонлар, демократик институтларнинг кучсизлиги, ҳукумат фаолиятининг ёпиқлиги, фуқаролик назоратидан холилиги ёки бошқача айтганда, нотранспарентлиги қиради.

Коррупциянинг охириги омил ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит бўлиб, бунга аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоатчиликнинг фаоллиги ҳам омиллар сабаб бўлади.

Умуман олганда, ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимларида қонун бузилиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлигига йўл қўймаслик уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва унга имкон туғдирувчи шарт-шароитларнинг бартараф этилишига боғлиқ. Уларни куйидагиларда кўриш мумкин, яъни кадрларни танлаш, лавозимига тайинлаш ва тарбиялаш ишларидаги камчиликлар, ходимлар томонидан ўз хизмат бурчини бажаришлари устидан назоратнинг талаб даражасида эмаслиги, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг тергов-олди текширишлари, суриштирувнинг тўла, ҳар томонлама, ҳолисона ўтказилиши, қабул қилинган қарорларнинг асослиги ва қонунийлиги, уларнинг натижаси бўйича чиқариладиган ҳулосаларнинг асослиги ва қонунийлиги

устидан соҳавий назоратнинг талаб даражасида амалга оширилмаслиги, ходимларга нисбатан келиб тушган ариза ва шикоятларнинг тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилмаслиги, уларга нисбатан бепарволик, масъулиятсиз муносабатда бўлиш, раҳбарликни амалга оширувчи ходимларнинг ваколатлилик даражасининг етарли бўлмаслиги.

Шуни эътиборлики, судларнинг ўз вазифаларини қай даражада амалга оширишлари жамиятдаги ижтимоий онгининг у ёки бу тарзда ўзгаришига, одамларнинг давлат ва қонунларга нисбатан ишончи пайдо бўлишига таъсирини кўрсатади.

Судлар томонидан тўғри ва адолатли қарор қабул қилинса, фуқаро ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланса, у одамлар орасида жамиятда адолат, ҳақиқат борлигига ишонч ҳосил қилади.

Шу ўринда айтиш лозимки, судьялик деган юксак лавозимда давлат хизматини бажарётган шахслар ишларни кўриш вақтида Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмайриоя қилишлари, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси, мол-мулк, ҳуқуқлари ва қону билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, ўз вазифаларига одилона ва ҳолисона ёндашишлари, адолат мезонларига амал қилишлари шарт.

Қолаверса, судья ишларни қонунлар асосида ҳал қилиши, ҳар бир ишга жиддий муносабатда бўлиши, чуқур мулоҳаза қилиши, билим ва тажрибасини ҳар қуни ошириб бориши, ўз устида мунтазам равишда кунт билан ишлаши, маънавияти ва дунёқарашини ошириши, юксак инсоний фазилатларини ўрганиши ўзининг ҳаётини қўйдасига айлан-тириши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматига баркамол, етуқ, соғлом фикрлайдиган, маънавияти юксак, яхши тарбия қўрган, аъло хулқи, маърифатли, дунёқарашини кенг, пок виждонли шахсларни қабул қилиш ҳам коррупциянинг олдини олишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия ишларини қучайтириш, жамоатчилик назоратини фаоллаштириш, оммавий ахборот воситаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолалар салмоғини ошириш ҳам коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди.

Қонунларнинг аҳолига ва ижрочиларга етказилишини фаоллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари

Бугунги кунда қонунларни аҳолига ва ижрочиларга етказиш усуллари орқали фуқароларнинг ҳуқуқий билимини, саводхонлигини ошириш уларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашга, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу орқали уларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва ислохотлар самарадорлигининг муҳим шартидир.

Юртимизда аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунга қатъий риоя этадиган фуқароларнинг хатти-ҳаракатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ўзининг конституциявий ҳуқуқларини англаб етиш, Ватанига, содир бўлаган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарбияни амалга ошириш борасида қатор вазифалар рўйбга чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устуңлиги сўзиси тан олиниши ва давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш қиришлари белгиланган. Қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартларидан саналади. Шу ўринда мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг бу борадаги бир қатор фикр-мулоҳазаларини эслаш жоиз.

Жумладан, 1997 йил 20 май кунги Республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда "Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси" мавзусида сўзлаган нутқида: "Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарили-

ши лозим" лиги ҳақида ва "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли асариде: "Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта мезон қаторида — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик хабардорлигидир" деган фикр-ни билдирган эдилар.

2015 йил 23 январь кундаги Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркорлиги ҳақида фикр билдирдилар.

Дарҳақиқат, қабул қилинаётган қонунлар самараси ҳуқуққа бўлган муносабат билан чамбарчас боғлиқ, яъни қонун оддий расмийлаштирилган чеклов тизими эмас, балки асосий ижтимоий-маънавий, ахлоқий норма бўлиб қолгандагина амалга ошиши мумкин. Одамлар онгига қонун олий ижтимоий-маънавий қадрият ва ижтимоий адолат ғояларини таъминловчи эканлигига ишончи сингдириш зарур.

Қайд этиш лозимки, ҳуқуқий маданият деганда, жами-

ятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши тушунилади.

Юқоридаги фикр ва ғояларни амалга ошириш борасида давлат мустақиллигининг дастлабки қонунларданок мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб бу борадаги ижтимоий муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини белгиловчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 235-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони, 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши, 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг оқиллиги тўғрисида"ги Қонуни шулар жумласидандир.

Кўрилаётган чора-тадбирлар республикамиз фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига, шубҳасиз, ижобий таъсир қўрсатмоқда. Хар биримиз қонун асосида яшаш ва меҳнат қилишни, қонун орқали

ҳуқуқ ва эркимизни ҳимоя қилишни, юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришни ўрганишимиз ва мунтазам равишда ўзимизни ва бошқаларни шу аснода тарбиялашимиз лозим.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси деб белгиланганидан келиб чиқиб, Республика прокуратура органлари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган яри давомида 64887 та қонунчилик тарғиботида оид тадбирлар ўтказилган бўлиб, шундан 51216 тасини учрашувлар, давра суҳбатлари, 13671 тасини оммавий ахборот воситаларида прокурортергов ходимларининг чиқишлари ташкил қилди, шулардан 5088 таси матбуот, 4182 таси радио ва 4191 таси телевидение орқали амалга оширилган.

Тарғибот тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг нафақат ҳуқуқий онгини, балки сиёсий ҳамда ижтимоий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадларда мунтазам равишда "Тадбиркорлар клуби" номли телекўрсатув, "Ҳаёт ва қонун", "Шу куннинг мавзуси" номли радиоэшитиришлар эфирга узатилимоқда. МТРК билан ўзаро ҳамкорликда режа асосида прокуратура органлари фаолияти "Тахлилнома", "Ахборот", "Давр", "Пойтахт" ҳамда вилоятлар телеканалларининг информацион дастурларида намоиш этилаётган лавҳалар ҳамда "Бир жиноят изидан", "Қонун устувор", "Мурожаат ва қонун", "Долзарб мавзу", "Ҳимоя" каби кўрсатувларда мунтазам равишда эфирга узатиб келинмоқда.

Босма оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлига кўйилиб, "Қадрият", "Маҳалла", "Қишлоқ ҳаёти" газеталари ҳамда "Ҳуқуқ ва бурн" ва "Агро бизнес" журналлари билан ҳамкорликда

Бахтиёр ПУЛАТОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК катта ўқитувчиси

режалар тузилиб, чиқишлар амалга оширилмоқда. Бош прокуратуранинг "Ҳуқуқ" газетаси мунтазам равишда ҳар ҳафтада, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари Ахборотномаси ҳар чоракда аҳолига етказилмоқда.

Янги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни аҳолига ва ижрочиларга етказиш борасида замонавий ахборот технологиялар хизматлари ва имкониятлари доираси кенгайтирилмоқда. Интернетда "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси" — "LexUZ"нинг яратилгани аҳолига ҳуқуқий ахборот етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантирди.

Ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши жараёнида асосий масъулиятни бугунги замон талаби асосида тарбияланаётган ёшлар ўз зиммасига олиши нўқтаи назаридан, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш, ўларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олишлари, давлатни бошқаришдаги иштирокларини таъминлаш мақсадида мактабгача ва ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқ асослари оид дастурлар юктамалари ҳажмини кенгайтириш ва машғулотларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимларини жалб қилиш таълимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган бўларди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, бу билан боғлиқ чора-тадбирлар мазмуни ҳамда қўламини кенгайтириш, сифатини ошириш — давр талаби. Зеро, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўзи мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Тадбир

Хотира қалбларда мангу яшайди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни Ватанга, миллий аъёна ва қадриятларимизга солиқлик руҳида камол топтириш, муттасил гамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор бериб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантган эди.

"Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб билини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азмуш жоатли ёшларимизни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифаси, балки бурчимизга айланиши керак", — деган эди Биринчи Юртбошимиз Ислам Каримов. Ана шу эзгу мақсадлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилди. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш-

га киришилди, мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари изчиллик билан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишлаб ўтказилаётган хайрия маросимлари юртимизда давом этмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоят прокуратураси ҳокимлик ҳузуриндаги воёга етмаган ишлари билан алоҳида комиссия билан ҳамкорликда ҳудуддаги меҳрибонлик уйларида мана шундай тадбирларни

ташкил этди.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 1,9,10-сонли меҳрибонлик уйларида ўтказилган тадбирларда тарбияланувчиларга муҳтарам Юртбошимизнинг ҳаёт йўли, унинг раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилган ислохотлар, элимиз тинчлиги ва осайишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида сўзлаб берилди.

— Юртимизнинг мустақилликка эришиши ва миллий давлатчилигимизнинг тикланиши, ўтган йигирма беш йилда барча соҳаларда қўлга киритилган оламшумул ютуқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дунёда ўз ўрнини топиши Ислам Каримов номи билан боғлиқ, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Облқул Азимов. — Айниқса, Юртбошимиз-

нинг ёш авлод камолотида қаратилган юксак эътибори, оталарча гамхўрлиги туйғайли ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-хўнарг эгалланиш, спорт билан шугулланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Бу юртимиз ёшларининг бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқиши, жонажон Ватанимиз довергини дунёга таратишга қодир авлод бўлиб етишишининг муҳим омилли бўлди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам ўз навбатида республикамизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасини мангу сақлаб қолишлари, тинч ва осайишта қонунларни қадрга етишлари ва мустақиллигимизни асраш бурчлари эканини таъкидлашди.

Ўз мухбиримиз

Инсон қадр-қиммати қонун қимоясида


Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат сифатида инсоннинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият, деб билади ва уларнинг амалга оширилишини қафолатлайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида одам савдоси, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини камситишга қаратилган жиноятлар туркуми қаттиқ назоратга олинади. Шу маънода, одам савдосининг олдини олиш — умумий жиноятчиликка қарши курашнинг ақтуал вазифаларидан бири.

Ўзбекистон Республикасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши кураш, бу жиноятнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун бу турдаги жиноятчиликка қарши кураш билан бир қаторда бу жиноятнинг умумий ташушчасини ҳам очиб берди.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва бу тоифа шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психология, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, қонунчиликда одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид ос-



тида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилиши ҳам одам савдоси оқибатларини минималлаштиришда муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, суд томонидан тегишли тартибда одам савдосида айбдор деб топилган шахслар томонидан мазкур жиноят натижасида жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатлар ўрни тўлиқ ҳажмда қопланишини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Ўзбекистон Республикасининг халқро ҳамжамиятга интеграциялашуви, миллий қонунчилиқнинг халқро ҳуқуқ билан мувофиқлашиб бориши билан қонун ҳужжатларининг тақомиллашаётганлиги бевосита одам савдоси муаммосига қарши курашда муҳим

аҳамият касб этади. Зеро, муаммога қарши курашнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамламай туриб уни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун нормалари бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиб, Ўзбекистон ўзи қўшилган халқро шартномалар ва конвенцияларга содиқ эканидан, зиммага олган мажбуриятларини қатъият билан адо этаётганидан далолат беради.

Фуқароларимизнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган мазкур қонун одам савдосига қарши кураш жабҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тақомиллаштиришга, шахс, жамият ва давлатни аяна шу турдаги жиноий фаолиятнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳимоя

этиш мақсадларига эришишга, шунингдек, бундай жиноий фаолиятнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга, оқибатларини камайтиришга ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоратадбирларнинг босқичма-босқич ва аниқ мақсадга йўналтирилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунинг аққол далилидир. Мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси тасдиқланиб, одам савдосига қарши курашиш бўйича Рес-

Исмоилжон АБДУХАКИМОВ,
Тошкент махсус прокурори

публика идоралараро комиссияси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, БМТнинг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколнинг ратификация қилинганлиги бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қаерда бўлмасин, у ҳар доим Ўзбекистон Республикаси ҳимоясида эканлигини, инсон ҳаёти олий қадрият ҳисобланишини ҳис этишга замин яратди.

Хулоса қилиб айтганда, республикаимизда одам савдоси жиноятнинг олдини олиш ва юқоридagi дастур ижросини таъминлаш мақсадида биринчи ўринда фуқароларни чет элларда иш билан таъминлаш билан шуғулланувчи лицензиясиз ташилотларнинг фаолияти ҳамда жисмоний шахслар томонидан иш билан таъминлаш борасидаги эълонларнинг қонунийлиги ўстидан назоратни кучайтириш, бундай фаолият билан шуғулланган шахсларга жазо чорасини кучайтириш, шундай турдаги жиноятлар келиб чиқишининг олдини олишда аҳолини ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир вазифаларни аянда жамдаллаштириш лозим бўлади.

Илғор демократик мақсадлар сари

Мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қўриш ва эркин фуқаролик жамиятини юксалтириш йўлидан далил оқимлаб, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос ўрин эгалламоқда. Табиийки, бу жараёнларда қонунчилик тизимида изчил ислохотлар, суд-ҳуқуқ соҳасида уқан янгилашиллар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофазат қилиш энг устувор масала сифатида доимий кун тартибда турибди.

Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришган илк даврлардан оқ барча соҳаларда қонунчиликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳамда давлат ишларида фаол иштирок этишига зарур шарт-шароитлар яратиш ва бунга қабул қилинаётган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўла-тўқис ақс этиришга алоҳида эътибор қарати келиняпти. Шу мақсадда амалдаги қонун ҳужжатлари изчил тақомиллаштирилиб, халқро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган тамойиллари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинмоқда. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қисқача айтганда, ҳуқуқий таъмин-тарбияни янги босқичга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда рўёбга чиқарилаётди. Яна ҳам мухтасар айтганда, юртимизда қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий механизмлари шакллантирилиб, замон талабларига ҳамохан равишда тақомиллаштириб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, юртимизда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, парламент-

нинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш, қонун чиқарувчининг назорат функцияларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. 2014 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига парламент назорати институтини конституциявий тарзда мустаҳкамлаш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини аянда кенгайтириш ҳамда кучайтиришга қаратилган тузатишлар киритилди.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Шу асосда Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши ўстидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган ҳуқуқий базаси яратилди.

2016 йил 12 апрелда матбуотда эълон қилинган мазкур қонунда парламент назоратининг объекти аниқ белгиланган. Яъни, парламент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Давлат дастурларини ижро этиши, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан назорат қилади.

Парламент назорати мақоми, ўрни ва роли билан ажралиб туради. У олий давлат вакиллик органи — халқ сайла-

ган вакиллар томонидан амалга оширилади.

Қонун 28 та моддадан иборат бўлиб, парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унда парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари ва бошқа жиҳатлар белгиланган.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, Олий Мажлис палаталари, кўмиталари, комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари ҳисобланади.

Жаҳон парламентаризми тажрибасига назар солсак, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини парламент назорат қилади. Бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, ҳуқуқат ёки вазирларнинг ҳисоботларини эшитиш, парламент текшируви, қонун татбиқ этилишини ўрганиш шулар жумласидандир.

Мамлакатимиздаги парламент назорати шакли халқро андозаларга тўлиқ мос келади. Жумладан, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси боришини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш парламент ваколатига қиради. Янги қонунда ҳуқуқат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш, парла-


Зухриддин БОЙЗОҚОВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

мент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари кўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлигини ўрганиш каби парламент назорати шакллари ҳам ўз ифодасини топган.

Экспертларнинг фикрича, парламент назорати бошқа давлат назорати турларидан фарқли равишда асосий мақсади кимнидир жазолаш эмас, балки қонунчиликни тақомиллаштириш йўли билан муаммоларга чора кўриш ҳисобланади. Парламент назорати натижаларини эълон қилиш тартиби ҳам ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланиладиган сиёсий-ҳуқуқий таъсир воситаси ҳисобланиб, тегишли мансабдор шахслар фаолияти жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлади.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари рўёбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини тақомиллаштиришда ўзига хос босқич бўлди. Мазкур Қонун Олий Мажлисининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришга, қонун устуворлигини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ижросини таъминлашга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларини ижро этиш учун уларнинг жаобгарлиги ошишига хизмат қилади.



Эл хизматига камарбаста

Агзам МАРДИЕВ,

СВОЖҚДЛҚ департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи

Мустақиллик туфайли ўзини, ўзлигини англаган миллат сифатида дунёга танилди. Инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари истиқлолнинг бош мақсади сифатида мамлакатимизда барча жабҳаларда ислохотларнинг чуқурлаштирилишига ҳамда изчил амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилди. Пировардида ҳуқуқий демократик давлатнинг бош тамойили қонуни устуворлигини таъминлашдек асосий вазифанинг амалга ифодаси кучли ҳуқуқий механизм барпо этилди.

Жамиятда барқарорликка эришиш, давлат бошқарувида умуминсоний кадрларга таянилишини кафолатлаш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар зиммасига катта масъулият юклатилди. Бинобарин, аниқ мақсад, саодатманд манзилларга етишишда ҳам жиҳатлик, жамоатчилик фазолатини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини ҳаёт ва назорат тажрибалари кўрсатиб турибди.

Мустақилликнинг ўтган 25 йили давомида фуқароларимизнинг ҳуқуқий дунёкараши, саводхонлиги юксалганига гувоҳимиз. Фаолиятга ошкоралик бериш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва мустаҳкамлаш, уларда қонунларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари — матбуот, телевидение, радио билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, ҳуқуқий мавзудаги янги лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан белгиланган чора-тадбирлар ва режавий дастурлар тарғибот тадбирлари самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Вилоятнинг энг чекка ҳудудлари Олот, Қорақўл, Қоровулбозор туманларидаги маҳалла ва қишлоқларда, Вобкент, Шофиркон, Пешку, Ромитандаги касб-хунар коллежларида аҳолининг барча қатламлари — тадбиркорлар, ёшлар билан юзма-юз мулоқот, давра суҳбатлари мунтазам тарзда ўтказилиши кундалик фаолиятнинг муҳим йўналишига айланган. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Чунончи, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Диёр" каналларидаги "Ахборот", "Давр" ҳамда "Диёр янгиликлари", "Бухоро" телеканалининг "Кучли фуқаролик жамияти сари", "ТВ-ҳуқуқ", "Гирдоб", "Долзарб мавзу", "Диёр янгиликлари", вилоят радиосининг "Жараён" информацион эшиттириш ва телекурсувларида қонунчилик тарғиботи йўналишида мунтазам равишда чиқишлар қилинмоқда. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг қўшма фармойишлари асосида фуқаролар билан юзма-юз мулоқотлар, сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Жумладан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси таъминлашида жорий йилнинг август ойи ҳолатига кўра, 297 нафар фуқаро турли муаммолар билан департаментга мурожаат қилишган. 160 та ариза тўлиқ ҳал қилинган, 54 та мурожаат қаноатлантирилган. 98 нафар фуқароларимизга ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Кези келганда айтиш жоизки, истиқлол берган имкониятлар боис инсон олий қадрият даражасига кўтарилди. Қолаверса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашдек устувор вазифа зиммасига юклатилган экан, бу борада ҳар бир қонун, Президент фармон ва қарорлари, ҳуқуқ қарорлари ва меъёрий ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш халқ саодати ва фаровон турмушини кафолатлайди.

Сирасини айтганда, ҳар бир соҳада, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва мақсади тағ замрида тақдир шу юрт тақдирини билан боғлиқ ҳар бир фуқароннинг эртаси, истиқболни ўз ифодасини толган.

Бир вактлар дунё харитасида қаерда жойлашгани ҳам маълум бўлмаган Ўзбекистон бугун жаҳонда ўз ўрни, ўз мавқеига эга. Асосийси, одамларимиз руҳиятида шукроналик билан бир каторда даҳлдорлик туйғуси мустаҳкам.

Мамлакат иқтисодиётида етакчи муассаса

Юртимизда мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар, қўлга киритилган ютуқлар асрларга татигуликлигини бугун ҳар биримиз кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ олиб борилган ҳар бир ислохот инсон манфаати, унинг фаровон ҳаётига қаратилганлиги учун ҳам ана шундай улкан самараларга эришилди.

Хусусан, халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, оилаларнинг моддий таъминотини яхшилаш мақсадида қатор ислохотлар ҳаётга татбиқ этилди. Аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган кенг қўламадаги ишлар шулар жумласидандир. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асос ҳар тарафлама мустаҳкамланди.

Бу жараёнлар албатта, тижорат банклари зиммасига ҳам катта масъулият ва мажбуриятларни юклатди. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш,

роқредитлар ҳам 1,3 баробарга ўсди.

Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унмла техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ичхам корхоналарни жадал барпо этиш мақсадида 214 млрд. сўм кредитлар ажратилиб, улар ҳисобига 1 512 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, рақобатбардош юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида 155 млрд. сўм кредит ажратилиб, 1 052 та иш ўрни ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг замонавий юқори



улгарга зарур бўладиган банк хизматларини сифатли ва маъқул тарзда ташкил этиш молия муассасалари олдида қўйилган асосий вазифалардан бири бўлди.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банки ҳам тадбиркор, фермер ва деҳқонларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, уларга етарлича шарт-шароит яратиш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу мақсадда банк томонидан жорий йилнинг 1 август ҳолатига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб ўттиз фоизга ошди. Энг асосийси, ушбу кредитлар ҳисобига қарийб беш ярим мингта янги иш ўрни яратилди. Шундан, ажратилган мик-

технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида 47 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилиб, улар ҳисобига 321 та янги иш жойлари ташкил этилди.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш борасида кичик бизнес субъектларининг 15 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб, яратилган иш ўринлари сони 1 271 тадан ошди.

Банк томонидан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, улар етакчилик қилаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада соҳа субъектларига ажратилган 84 млрд. сўм кредит маблағлари ҳисобига яратилган иш



AGROBANK

ўринлари сони 522 тага кўпайди. Ўзининг хусусий ишини очиб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига қарийб 23 млрд. сўм микрокредит ажратилди. Бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоизга ўсди, яратилган иш ўринлари сони 1 047 тани ташкил этди.

Энг асосийси, шу ҳисобдан юзлаб янги иш ўринлари очилди. Қанчадан-қанча кишиларнинг оила ва рўзгорларига барака кирди. Бунни қуйидаги фикр-мулоҳазаларда ҳам яққол кўришимиз мумкин.

— Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишларига қулай шароит яратиш, аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини тўла таъминлаш мақсадида устувор ишлар олиб борилаётир. Буларнинг барчаси ишбилармонларнинг ўз бизнесларини самарали ташкил қилишга, оила-улуш қўшишга замин бўлмоқда, — дейди яқка тартибдаги тадбиркор Муроджон Эгамқулов. — Мен ҳам бизнесимни йўлга қўйишда ана шу жиҳатларига эътибор қаратиб, иш бошладим. Албатта, бу ўз мевасини берди. "Агробанк"нинг Иштихон филиали томонидан олган 25 миллион сўм кредит маблағи асосида нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий технологик усунлар олиб келдик. Шунингдек, ушбу маблағ туфайли маҳалладошларим учун 6 та янги иш ўрни яратдик. Замонавий технологиялар асосида қунига аҳолига сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз.

Хулоса ўрнида айтганда, кейинги йилларда юртимиз молия-банк тизимида қузатилаётган барқарор ўсиш ва ривожланиш тадбиркорлар фаолиятининг тобора кенгайиб бораётганида ҳам яққол акс этмоқда. Зеро, Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтиришга қаратилган савий-ҳаракатлар ўзининг юксак самарасини бермоқда. □

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган

Дишод Баракаев муқаддам суланган. У қонунни бузса, жавобгарлик борлигини жуда яхши тушунади. Бироқ, тушуниш билан бирга уни чуқур аглаб етмаган Дишод Баракаев яна жиноят кўчасига қалам босди.

Бефарқлик

Учун РАЗЗОКОВ,


СВОЖДЛҚК департаментининг
Когон шаҳар бўлими бошлиғи

У муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, ундан такроран фойдаланиш ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлади. Д.Баракаев "Ташўлатов Анвар Каримович" хусусий корхонасида тиббий буюмларни йиғиш менежерига лавозимда ишлашдан фойдаланиб, мазкур корхонанинг бир маротаба фойдаланиладиган тиббий чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномасини қўлга киритади ва уни сохталаштиради. Компьютер техникасини фойдаланган ҳолда корхонага тегишли юмалоқ муҳрини қалбакисини тайёрлайди. Кейин эса чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш ҳақидаги сохта шартномани имзолатилади.

Бу иши хамирдан қил суғургандай силлиқина биттач, худди шундай шартнома бланкаси билан республика шойилинч тиббий ёрдам илмий марказига югуради. Одамлар саломатлиги, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий зарар етказиши мумкинлигини била туриб, ноқонуний ҳатти-ҳаракатдан тўхтамайди.

Дишод Баракаев 2015 йилнинг 11 февралдан 1 сентябргача бўлган муддатда вилоят кўп тармоқли тиббий маркази, вилоят кардиология диспансери, Бухоро, Ғиждувон, Когон шаҳар ва Когон туман тиббиёт бирлашмаларида бир маротаба ишлатиладиган тиббий жиҳозларни "ими-жими"да олиб кетаверади. Олий маълумотли менежернинг ишлари ҳеч бир қонун доирасига тўғри келмайди. У чиқиндиларни олдин зарарсизлантириш, уларни даволаш муассасаларидан ташқарига махсус автоматларда, қолларда ташиш ўрнига ўзига тегишли "Форд" русумли автомашинада ташийди. Бухоро шаҳридаги эски "Қоракўл тери" корхонасидаги ижарага олган бинодан Тошкент шаҳрига тўри келган юк машиналарда сотиш учун жўнатиб туради. Д.Баракаев нотаниш кишиларга ҳар бир килограмм шприцни 1000 сўмдан пуллаиверади. Унинг зарарсизлантирилмаган тиббий жиҳозлардан юкмули касалликлар юқиши ва тарқалиши хавфининг ошишига сабабчи бўлаётганлигини англамагани ўта ачинарли ҳолдир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, нафс измида юрган кишига олий маълумот ҳам, атрофдагилардан уялиш хисси ҳам, қолаверса, одамийлик, деган тушунча ҳам тамаман бегона бўларкан-да! Д.Баракаев қилмишига яраша Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига биноан жиноий жавобгарликка тортилади. Инсон олий қадрият сифатида эътироф этилар экан, унинг саломатлиги ва ҳаёти учун ҳар бир касб эгаси масъулдир.



Режаси амалга ошмади

Одатий иш қуналарнинг биринчи ўқувчи қиз ва аёл коллеж ҳовасига кириб келиши. Уларнинг жиддий юмуш билан келгани шундоққина сезилиб турарди.

Чиндан ҳам Нигора (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бугун онаси билан коллеж раҳбарлигига учрашиб, диплом олиши мумкинлиги ёки йўқми, шунга билмоқчи эди.

Нигора 2010 йилда мазкур коллежнинг спорт йўналишига ўқишга киради, бироқ қандайдир сабабларга қўра дарсларга қатнашолмайди. Табиийки, унга диплом олиш насиб этмайди. Айни чоғда эса нияти диплом олиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш эди. Она-бола коллежнинг бирор ходимини учратиби қўлиш илмийда туришганида рўпараларидан директор ўринбосари чиқиб келди-ю, Нигора уни таниб сезиниб кетди. Шоша-пиша муддаосини айта бошлади.

— Қизим, ниятинг яхши. Бироқ сенга диплом бера олмайми, — тушунтириди ўринбосар ётиги билан. — Сенда ҳали имконият бор. Ўқишингни тиклашинг учун ёрдам берамиз. Ўқишни давом эттириб, тугатсанг, диплом олаверсан...

Қизга ҳам, онасига ҳам бу гап унча маъқул келмади чоғи, икковлашиб

ўқитувчига ялина бошлашди. Бироқ у ўз сўзида туриб олди.

Шу дам уларни сал нарироқда шу коллеж ўқитувчиларидан бири Шуюнус Маматов кузатиб турганди. Нигора онаси билан коллеждан чиқиб кетаётганини кўрди-ю, баднафслиги унга қанот коллежнинг бирор ходимини учратиби қўлиш илмийда туришганида рўпараларидан директор ўринбосари чиқиб келди-ю, Нигора уни таниб сезиниб кетди. Шоша-пиша муддаосини айта бошлади.

— Ҳа, синглим, ишингиз битмадими? Нигора бу ўқитувчини ҳам танирди. Шу боис, ундан бегонасирамай, ниятини тўқиб-солди. Бу Ш.Маматов учун айтиш муддао эди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Ҳа, синглим, ишингиз битмадими? Нигора бу ўқитувчини ҳам танирди. Шу боис, ундан бегонасирамай, ниятини тўқиб-солди. Бу Ш.Маматов учун айтиш муддао эди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Ҳа, синглим, ишингиз битмадими? Нигора бу ўқитувчини ҳам танирди. Шу боис, ундан бегонасирамай, ниятини тўқиб-солди. Бу Ш.Маматов учун айтиш муддао эди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

— Э-э, ҳозир битмайдиган ишингиз ўзи йўқ. Фақат... қаловини топиб, ёқиш керак. Боядан бери миясида айланаётган режасини амалга ошириш ниятида уларнинг қаршисига борди.

Нуриддин ЯХЯЕВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган
вилоят бошқармаси катта инспектори

қўнғирок қилар, дипломни гаплашиб қўйганини, пулни тезроқ етказиши кераклигини ўқтиради.

Аслида Ш.Маматов диплом олиб бўлмастлигини яхши билар, фақат ҳақлақ отган нафсининг жиловини тортолмай, тобора тубанлик сари ботиб, қизга қўнғирок қилишини қўймади.

— Доллар тополмагилар, — деди қиз ниҳоят очигини айтиб. Ш.Маматов эса ҳеч иккиланмай:

— Доллар бўлиши шарт эмас. Бир миллион бир юз минг сўм олиб келавер, — деди шартта.

Аммо бир неча кундан буён оромини ўғирлаган пул унга насиб этмади. Нигорадан пулни олиб, ширин ўйлар билан ўз хонаси томон кетаётганида қаршисига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини кўриб қотиб қолди.

Жиноят ишлари бўйича суд Ш.Маматовга тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

Халқ бойлиги

уни талон-торож қилишга
ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Мирзаҳмад МИРЗАМАҲМУДОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Зангиота туман бўлими катта суриштирувчиси

Хонадонларимизни бугун газ ва электрсиэ тасаввур этиш мумкин эмас. Улар алақачон биринчи даражали истеъмол воситаси бўлгани ҳолда, шунга яраша талаб ва эҳтиёж манбаи ҳам ҳисобланади. Демак, биз уларни сарфлашда ўта масъулиятли ва албатта, ҳалол бўлмоғимиз зарур.

Хусусан, юртимизда табиий газнинг исроф бўлишига ва ўғирланишига йўл қўймаслик, тармоққа руҳсатсиз уланиб олишнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бориш керак. Шунга қарамай, баъзи шахслар томонидан бебаҳо бойлигимиз бўлган табиий газни талон-торож қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Зангиота туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини худудда яшовчи Маъруф Рустамов (исм-фамилияси ўзгартирилган) 70 сотих ерга иссиқхона қуради. Бу албатта яхши иш. Бироқ у иссиқхонани иситишда жиноятга қўл уради. Утган йилнинг ноябрь ойида М.Рустамов аҳоли фойдаланадиган ўрта босимдаги газ қувурига ҳеч қандай руҳсатсиз, ўзбосимчилик билан уланиб олиб, газдан хўжасизларча фойдалана бошлади. Иссиқхона бешта газ қрозони орқали иситилиши натижасида халқ ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказилади. Суриштирув жараёнида маълум бўлишича, М.Рустамов утган йилнинг ноябрь ойидан жорий йилнинг январь ойига қадар ноқонуний равишда табиий газдан фойдаланиб, туманга идорасига 50 млн. 542 минг сўмлик зарар етказган экан.

Қонунларимизга биноан ҳар қандай қинғир иш жазосиз қолмайди. Ушбу ҳолат жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судида атрофлича кўриб чиқирилиб, М.Рустамовга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Имконият қонунни четлаш дегани эмас

Юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида тиб ислохотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, кичик бизнес учун давлатимиз томонидан етарли ҳуқуқий асослар ва катта имтиёзлар яратиб қўйилган. Аммо баъзи фуқароларимиз амалдаги қонунларни менсимасдан, ноқонуний йўллар билан чўнтақларини қаппайтириш пайида бўлмоқдалар.

Фарғонада туғилиб ўсган, оилали, уч нафар фарзанднинг онаси Ноила Туробова (исм-фамилияси ўзгартирилган) кўпдан буён яқка тартибга тадбиркор сифатида савдо фаолияти билан шуғулланиб келар, шу иш ортидан даромад топиб, рўзғори камчиликларини тўлдирарди. Бироқ бора-бора савдонинг белгиланган қонунқоидаларига, тартиб-таомилларига амал қилишни унутди. Оқибатда суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Дастлаб республикамизда ишлаб

чиқарилган кийим-кечаклар билан савдо қилиб, ризқини топиб юрган аёл кейинчалик нафсининг гапига кириб, ноқонуний ишга қўл уради. Терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларнинг алдовларига учган Ноила қўшни республикалардан ноқонуний йўллар билан юртимиз худудига олиб келинган кийим-кечакларни сотишни мақсад қилади. Аввалига маҳсулотларни оз-оздан, турли йўллар билан яшириб, Тошкент шаҳридаги бозорларга олиб келиб сотади. Халқимиз кўза кунда эмас, кунда синади, деб бежизга айтмайди. Н.Туробова сўнгги бор 17

Инсон бирор ишга қўл уришдан олдин қилаётган ҳатти-ҳаракати тўғри эканлигини ўйлаб кўрса, фойдалан холи бўлмайди. Чунки билиб-билмай қилинган ноҳўя ишдан кейинги аттанг ҳеч қачон асқотмайди. Таассуфки, баъзилар оқибатини ўйламастан қонунга зид иш қилиб қўйгач, қаттиқ пушаймон бўлса-да, оқибатда ўзларига жиноятчи деган номин ортқериб олади.

«Тумшўғи»дан илинди

Нодирбек ИСМОНОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг
Шаҳрихон туман бўлими бошлиғи

Шаҳрихон туманидаги Сарой маҳалласида яшовчи Иномжон Бурхонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам мўмай пул топишнинг осон йўлини қидириб, жиноятга қўл уради. "Мен қилаётган ишни ким ҳам билиб ўтирибди", дея хомтама бўлган И.Бурхонов яшаш ўйига хуфийна равишда қўлбола мойқувоз дастгоҳи ўрнатиб, истеъмолга яроқсиз, одамлар соғлиғига зарарли бўлган сифатсиз ўсимлик ёғи ишлаб чиқара бошлади.

Нафсини ўйлаб, жарақ-жарақ даромад топишга уринган бу шахсининг яширин фаолияти узоққа чўзилмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирида унинг қинғир иши фош бўлди.

Гувоҳлар иштирокида И.Бурхоновнинг ўйи текширилганда, истеъмолга яроқсиз пахта ёғи, чигит ва мойқувоз дастгоҳи борлиги аниқлиниб, ашёвий далил сифатида олинди.

Эл соғлиғига беписандлик билан қараган И.Бурхонов суд ҳукмига қўра, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдоридан жарима тўлайдиган бўлди.

Ёрқин СОБИРОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Бектемир
туман бўлими катта инспектори

млн. 272 минг сўмлик тўрт хилдаги эркаклар кийим-кечакларини пойтхатимиз худудига олиб келаётган вақтда "Бектемир" ИПХ масканида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд Н.Туробовага жазо тайинлашда унинг қилмишидан чин дилдан пушаймонлигини, муқаддам жавобгарликка тортилмаганлиги, фарзандлари борлигини эътиборга олиб, жарима жазоси тайинланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, фақат қонуний ишгина биримизни икки қилиб, оиламизга тўқинлик, рўзғоримизга файзу барака ёғдиришни унутмайлик.

Халқимизда бировнинг омонатига хиёнат қилма, деган пурмаъно нақл бор. Бинобарин, азал-азалдан бировнинг ҳақиқа хиёнат қилиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Мансаб, лавозим ҳам қайсибир маънода давлатнинг омонати десак, янглишмаймиз. Чунки мансабдор шахс кўпчилик учун масъул саналади.

Омонатга хиёнат...



Хасанбой ҚОСИМОВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ўзига ишониб топширилган вазифани сидқидилдан адо этиш эса унинг нафақат бурчи, балки мажбурияти ҳамдир. Шундай экан, одамлар ишонган мансабдор ана шу ишончга лойиқ бўлиши, ҳалол иш юритиши, тоза вилдан билан фаолият олиб бориши ҳам қарз, ҳам фарз. Аммо юртимизда порахўрликка қарши аёвсиз кураш олиб борилаётган бир вақтда, таассуфки, баъзи лавозимли шахслар томонидан омонатга хиёнат қилиш ҳоллари учраб турибди.

1974 йилда Наманган шаҳрида туғилган Исмоил Шамситдинов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлардан бири бўлиб чиқди. У ўзига ишониб топширилган масъулиятли вазифани суиистеъмол қилиб, порахўрликдек жirkanч иллатга қўл урди.

Исмоил Шамситдинов 2008 йилдан 2011 йилгача ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият олиб борган. У иш фаолияти давомида турли шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктиради ва тамағирлик йўли билан фуқароларни алдайди. Хамтовоклари орқали одамларнинг пулини қўлга киритиб, ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилади. Хусусан, Наманган вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими, паспорт-виза назорати ва чегараолди ҳудудларида яшашига рухсат бериш бўлимида ишлаб, фуқаро Ибодат Расуловадан пул тама қилади. Аёл Жанубий Кореяга ўзининг юмуши билан борган эди. Қонун бўйича белгиланган визасининг мuddати тугайди. И.Расулова Ўзбекистонга қайтиб келади ва ички ишлар бўлимига тегишли тартибда виза олиш учун муурожаат қилади. Аммо бир ой вақт ўтса ҳамки, иши битмайди. Муаммосини ҳал қилиш учун олиб-югуриб, "паспорт столи"га қатнайвери, чарчайди. Ниҳоят, И.Шамситдиновнинг шериклари И.Расуловага рўпара бўлиб, визани тезлаштириб беришларини айтишади. Ноилоҳликдан аёл рози бўлади. Жиноий гуруҳ шу йўл билан ундан 100 АҚШ доллари, 100 миң сўм пулни пора сифатида тамағирлик қилиб олади. Бироқ бу улар учун сўнгги манзил эди.

Тергов жараёнида бу шахснинг бошқа қилмишлари ҳам ошкор бўлди. И.Шамситдинов Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий давлатларга чиқишларига рухсатнома бериш учун 2010 йил 1 сентябрдан 2011 йил 1 майгача бўлган даврда 6029 нафар фуқародан ундирилган 146 млн. 333 миң сўм бож тўловларининг 140 млн. 462 миң сўмини банкка топшириб, қолган 5 млн. 871 миң сўмини ўзлаштириб юборган экан. Бу ҳам камлик қилган шекилли, у 59 та ҳолатда фуқаронинг хорижга чиқиш учун салкам 1,5 млн. сўмлик давлат божи тўланганини ҳақиқида қитнантияларига ўзбошимчалик билан ўзгартириш қилиб, ушбу маблағларни ҳам талон-торож қилди.

Суд И.Шамситдиновга 8 йил муddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Унинг шерикларига нисбатан ҳам жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур воқеа мана шундай йўлда юрган айрим одамлар учун сабоқ бўлса, ажаб эмас. Зеро, тўғри йўлдан юрган одам ҳеч қачон қоқилмайди.

Ҳар йили ёз фасали келиб улгурмасилан кўпчилик ота-оналар талаба бўлиш орзусида юрган фарзандларини ўқишига киритиш масаласида бош қотира бошлайдилар. Агар фарзанд пухта билим эгаллаган бўлса-ку, кўнглини хотиржам қилса бўлади. Аксинча бўлса-чи?..

Пойтахтда истиқомат қилувчи фуқаро Зулфия Ҳакимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ўқишига кириши мақсад қилган эди. Аммо ўзининг билими билан тест синовларидан ўтишига кўзи етмай, таниш қидира бошлади. Таниши Сардор Раҳматуллаевдан ёрдам сўради. Орага опаси аралашди. Кўп ўтмай айнан опасининг дугонаси боғчада мудира бўлиб ишлайдиган бир аёлнинг "қўли узун" лиги ҳақида хабар топиб келди, телефон рақамини ҳам берди. У билан телефон орқали бағланган Зулфия Сардорни ёнига олиб, мудиранинг ҳузурига шошилди.

Мудира Ҳафиза Тўлаганова уларни яхши кўтиб олди. Қаерга ўқишига кирмокчи эканлигини сўради. Педагогика университети эканлигини билгач, бу иш 9 миң АҚШ доллара битишини секингина шилшди. Зулфия розилигини билдириб, илоҳи бўлса "хизмат ҳақи"ни озроқ туширишни сўраган эди, "Майли, 8 миң 500 доллар берақолгин..." деган жавоб олди.

Икковлон бу шартга рози бўлиб, орқага қайтибди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, дастлаб унга 4 миң АҚШ доллари келтириб беришди. Кейин 3 миң, сўнгра яна 1500 АҚШ доллари бериб, тест синовларини кута бошлашди.

Вақт-соати билан Зулфия бошқа абитуриентлар қатори тест синовларида қатнашди. Бироқ натижа у қутгандек бўлмади, синовдан ўтолмади. Бундан ҳайрон бўлиб, ҳолатдан Сардорни хабардор қилди. Сўнгра икковлон Х.Тўлаганованинг ёнига йўл олишди. Мудира улар берган пулдан 1 миң 500 АҚШ долларини ўзига олиб қолди, ҳозирда ишлатиб юборганини, қолган 7 миң дол-

Нопок йўлдан ризқ ахтариб...

Ҳамиджон РАҲМАТУЛЛАЕВ,

Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси



ларини эса таниши — педагогика университети ўқитувчиси Маъруф Рўзиевга берганини маълум қилди. Бу гапдан кейин у айтган кишини излаб топишди. М.Рўзиев пулларни олганини инкор этмади, аммо уларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганини билдирди. Шундай бўлса, тезда қайтариб беришни ваъда қилди.

Ўқиши қиролмаганидан, устига-устак шунча пулини ололмаганидан хафа бўлган Зулфия уларга инсоф сўраб, ночор ортига қайтди. Кўп ўтмай Х.Тўлаганова олган пулларни қайтарди. Бироқ онаси ҳамда опаси билан М.Рўзиевнинг олдига қатнайвериб, ўз қўллари билан берган пулларини ололмай, оёғини оғритгани қолган Зулфия ахирги тегишли органларга муурожаат қилишига мажбур бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суд ҳукми билан айбдорларга тегишли жазо тайинланди.

Чўпоннинг ҳийласи

Йўлдош Қаршибоев 2009 йилнинг 24 сентяб-рида Фориш туманидаги "Богдон" ширкат ҳўжалиғига бош чўпон вазифасига ишга тайинланган эди.



Шухрат БАҲОДИРОВ,
Фориш туман прокурори

Аввалига бинойидек ишлаб келган бу чўпон орадан биров вақт ўтгач, жавобгарлиғидаги молларни худди ўзининг шахсий молидек тасаввур қила бошлади. Шу боис тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ва қоракўлиқда оилавий пулдрат шартномаларига асосан моддий жавобгар шахс ҳисобланганини ҳам "унутиб" қўйди.

Текин бойлик орттириш ҳамда мулкни наф қўришни асосий мақсад деб билган Й.Қаршибоев ўзига ишониб

топширилган қўйларни сота бошлади. Пулланган қўйларнинг ўрни кун ўтган сайин сезила бошлади. Шу тариха 894 бош майда шохли чорва моллари нақд пулга сотилиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинди. Сотишдан тушган пуллар эса бош чўпоннинг шахсий эҳтиёжлари учун сарфланди.

Лекин унинг ўрнини қандай қоплаш мумкин? Ана шу савол кейинги пайтда бош чўпонга тинчлик бермай қўйди. Шу боис у бу ҳолатни ҳужжатларда акс эттирмаклик ташвишига тушиб қолди.

Бунинг учун эса Йўлдош Қар-

шибоев ҳисобот ҳужжатларига сохта маълумотлар киритиш ва шу йўл билан содир этилган жиноят ишларини яшириш пайига тушди. Қарабиски, кўп ўтмай ҳужжатларга 894 бош майда шохли моллар тўлиқ мавжудлиғи ҳақиқидаги сохта маълумотлар киритилди.

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунда синди", деган нақл бор. Вақти келиб, қўйлар санокдан ўтказилганда камомад аниқланди. Сири фоз бўлган бош чўпон талон-торож қилинган 136 млн. 455 миң сўмлик зарарни тўлиқ қоплашга мажбур бўлди. Шунингдек, энди у ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 ярим йил давомида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини адо этади.

Табиий газ тежалиши кутиломқда

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида энергия самарадорлиғи соҳасида тоғ-кон, металлургия, кимё, нефть ва газ тармоқлари мутахассисларнинг салоҳиятини оширишга бағишланган тренинг ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиғи томонидан халқаро экспертлар иштирокида ўтказилаётган тренинг Иқтисодиёт вазирлиғи ҳамда Жаҳон банки гуруҳининг "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Иқтисодиёт вазирлиги ўринбосари Д.Турдиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев ва бошқалар ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартириш, замонавий энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган изчил ислохотлар иқтисодиёт тармоқла-

рининг барқарор ривожланишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бу борада 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури муҳим аҳамият касб этмокда.

Ишлаб чиқаришда энергия сифимини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда 500 миллион киловатт/соат электр энергияси ҳамда 150 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилиниши кутиломқда. Етақчи иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш йиллиги 250,1 миллион киловатт/соат электр энергияси, 3 миллион куб метр табиий

газ ҳамда 20,1 Гкал иссиқлик энергиясини тежайш имкониятини яратди.

Иқтисодиёт вазирлиғи ҳамда Жаҳон банки гуруҳининг "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида энергияни кўп миқдорда истеъмол қилувчи тоғ-кон, кимё, электр энергияси, нефть ва газ, қайта ишлаш тармоқларида амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида 140 миллион киловатт/соат электр энергияси ҳамда 50 миллион куб метр табиий газ тежалди. 32 саноат корхонасида 81 та субйўлти амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, унинг натижасида 536 миллион киловатт/соат электр энергияси, 202 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинишига эришилиши кўзда тутилган.

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган дунёдаги бешта мамлакатдан биридир, — дейди профессор И.Рабъяс (Греция). — Бу ўз-ўзидан энергетика соҳасида жиддий ислохотларни,

хусусан, энергия самарадорлигини ошириш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тақозо этади. Айтиш мумкинки, мамлакатингизда ушбу йўналишдаги ишлар салмокчи катта. Тренинг машғулотлари мутахассисларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилади.

Ўқув тренинг жараёнида энергия самарадорлиғи соҳасидаги халқаро экспертлар томонидан тақдим этилган энергия ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишнинг муҳим масалалари бўйича етти кунлик мажрий дастур асосида дарслар ўтказилиши кўзда тутилган.

Энергетика соҳасидаги инженер-технологлар салоҳиятини оширишга қаратилган ушбу тадбир мамлакатимизнинг етақчи саноат тармоқларида энергия ресурсларидан янада самарали фойдаланишга ҳисса қўшади.

ЎзА

Нефтга бўлган талаб ўзгарди



ОПЕКнинг маълумотига кўра, 2016 йилда жаҳон давлатларининг нефтга бўлган бир суткалик талаби 94,27 млн. баррелни ташкил этган. Қайд этилишича, ушбу кўрсаткич 2015 йилдан 1,23 млн. баррелга кўпайди.

Шу билан бирга, ОПЕК ташкилотини нефт қазиб олаётган мамлакатларни бундан буён ушбу хомашёга бўлган талаб камайиб, бу кўрсаткич бир суткада 56,32 млн. баррелга тушиб кетишидан огоҳлантирган.



«MasterCard»

устидан даъво аризаси

Буюк Британияда истеъмолчилар "MasterCard" тўлов тизими устидан судга жамоавий даъво аризаси беришди. Улар тизим томонидан Европа Иттифоқи ичидаги трансегаравий операциялар бўйича юқори тўловлар олингани учун ушбу ҳаракатни амалга оширишган. Аризачилар 14 млрд. фунт стерлинг (18,8 млрд. АҚШ доллари) ундиришни талаб қилишмоқда.

Хориж нашрларининг таъкидлашича, Рақобатбардошлик масалари бўйича ҳақамлик трибуналга берилган ушбу шикоят Буюк Британия юриспруденцияси тарихидаги энг йириги ҳисобланади.

Буюк Британиянинг собиқ молиявий оубдсмани Уолтер Меркснинг айтишича, бунга "MasterCard"нинг кейинги йилларда хизмат нархларини ҳаддан зиёд ошириб юборганлиги сабаб бўлган.

Даъвогарларнинг манфаатини машҳур юридик компаниялардан бири ҳимоя қилмоқда. Таъкидлашича, "MasterCard" томонидан компания манфаатлари йўлида режадан ташқари турли харажатлар амалга оширилган. Уларнинг ўрнини тўлдириш учун эса хизматлар нархи оширилган ва бу истеъмолчилардан ундирилган.

Маълумот учун, "MasterCard" дунёдаги энг йирик халқаро тўлов тизимларидан бири ҳисобланиб, 150 дан кўпроқ жаҳон валютасида операцияларни амалга оширади ва 210 та давлатда иш юритади.



Интернет жиноятларига қарши аёвсиз кураш

Хитой полицияси шу йилнинг май ойидан буён интернетдаги жиноятларга алоқадор бўлган 3,4 минг нафар кишини ҳибсга олди, дея хабар қилмоқда давлат жамоат хавфсизлиги вазирлиги.

Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари махсус кампания доирасида интернет тармоғига ноқонуний жойлаштирилган 122 мингта эълонни йўқ қилган. Турли ресурслардаги 23 минг аккаунтни бекор қилган ҳамда 4207 та сайтга суд орқали жазо қўллаган.

Аввалроқ, Хитой жамоат хавфсизлиги хизмати фирибгарлар томонидан телекоммуникация соҳасида қўллаши мумкин бўлган ахборотларни тарқатувчи онлайн хизматларга қарши қаратилган махсус амалиёт ўтказишни бошлаган эди.

Қайд этилганидек, мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари интернет тизими орқали фуқароларнинг шахсий маълумотлари, хусусан, банк ҳисоб рақамларини билиб, буортмачиларга сотувчи, вируслар ёрдамида фойдаланувчиларнинг маълумотларини ўғирлайдиган ҳамда сохта электрон сертификатлар тақдим этувчиларни аниқлаб, уларни жазолашга киришган.

Симсиз қулоқчин



"Apple" компанияси Сан-Франсискода бўлиб ўтаётган кўргазмада симсиз қулоқчинларини тақдим этди. Ушбу ихтиронини овоз билан бошқариш мумкин. Қулоқчин қўнғироқ вақтида микрофон вазифасини ҳам бажара олади.

Қулоқчинлар қувватлаш учун хизмат қиладиган кўти билан бирга сотилади. Мослама тўлиқ қувват олганда 5 соатгача ишлай олади. Кўтининг қуввати эса бир кунга етади.


Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Спортчиларга ҳужум қилган арилар

Япониянинг Хиде шаҳрида бўлиб ўтган халқаро энгил атлетика марафонида иштирок этганларнинг 115 нафари арилар ҳужумидан азият чекишди, деб хабар қилмоқда оммавий ахборот воситалари.

Ҳодиса марафон қатнашчилари кўприкдан югуриб ўтаётган вақтда содир бўлган. Спортчиларнинг шовқини уясида турган ариларнинг тинчини бузган. Натижада ҳашаротлар мусобақада югураётганларни "жазолаган". Оқибатда саккиз киши ари чақшидан вужудга келган аллергия ташхиси билан шифохонага ётқизилган.

Маълумотларга кўра, спорт марафонида бир ярим мингдан ортиқ киши иштирок этган бўлиб, уларнинг 697 нафари югуриш эстафетасида қатнашган.



Юк машинаси олиб қочилди

Германияда 12 ёшли бола отасининг юк машинасини олиб қочган. Йўлдан дўстини олган ва уйдан 200 км узоқликда яшовчи бобо ва бувисини кўргани йўлга чиққан.

Орадан бир неча соат ўтган, уларнинг ота-ониси полицияга фарзандлари йўқолиб қолганини маълум қилишган. Полиция ходимлари томонидан зудлик билан тегишли чоралар кўрилиб, болалар топилган.

Аниқлашича, икки дўст қўшни шаҳарга йўл олиб, 209 км йўл босишган. Манзилгача ҳеч қандай кўнғилсизликларсиз етиб келишган. Полиция болаларни ота-оналари билан гаплаштиргач, уларга бобосиникида тунни ўтказишга рухсат берилган.

Маҳаллий ОАВ маълумотларига кўра, бу режасиз иш бўлмаган. Боиси, отасининг машинасини олиб қочган бола ўзининг ушбу режасидан ота-онасини хабардор қилган. Бирок оила бошқилари 12 ёшли фарзанднинг гапларига ишонмаган экан.




Биласизми?

Таркибида кимёвий моддалар меъёрдан кўп бўлган маҳсулот

Ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштириш ва маҳсулотларнинг таъминини яхшилаш учун озмиқват саноатида махсус озукавий қўшимчалардан фойдаланилади. Бундай қўшимчалар одатда зарарсиз бўлади, аммо уларнинг орасида инсон саломатлиги учун хавф туғдираётганлари ҳам бор. Бу экспертлар томонидан маълум қилинди.

Зираворлар

Овқатларга ва турли салатларга қўшилидиган аксарият зираворлар таъм, ранг ва ҳидни кучайтирувчи озукавий қўшимчаларга эга. Шунини таъкидлаш жоизки, таъмин кучайтирувчи зираворлар илгари жуда машҳур бўлган, бугунги кунда эса уй бекалари кўпроқ табиий зираворларни танлашмоқда.



Колбаса маҳсулотлари

Биз севиб истеъмол қиладиган колбаса ва сосискага ҳам кимёвий моддалар меъёрдан ортиқ қўшилганлиги бос, улар жуда хушхўр бўлар экан. Агар колбаса ва сосискадан воз кеча олмасангиз, ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулотнинг ёрлиғига туширилган таркиб билан яхшилаб танишиб чиқинг. Аслида қимматроқ бўлса-да,

сифатли гўшт маҳсулотларини истеъмол қилганингиз мақсадга мувофиқ.

Қувватбахш ичимликлар

Қувватбахш (энергетик) ичимликларнинг ҳам инсон танаси учун фойдали томонидан зарари кўп. Ундан қувват олгандан кўра, оддий чой ичиб юрган афзалдир.

Мармелад

Мармелад тайёрлашда сунъий ранглар қўлланилиши экспертлар томонидан доим таъкидлаб келинади. Мазкур ранглар ширинликнинг ташқи кўринишини кўркамлаштиради, бироқ бу истеъмолчиларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Эритилган пишлок

Озуқавий қўшимчалар қўшилган маҳсулотлар ичида эритилган пишлок етакчилардан бири ҳисобланар экан. Унда тахминан 15 та кимёвий қўшимча мавжуд бўлиб, бу танамизга ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Чипслар ва таъмли қотган нончалар

Парҳезшунослар чипс ва таъмли қотган нончалар(сухари)нинг зарари ҳақида доим гапиришади. Бундай маҳсулотларда кимёвий қўшимчаларнинг миқдори ўндан ортиқ бўлиши мумкин.

Пиширик

Озуқавий қўшимчасиз пиширик бўлмайди. Биргина мазали болочкага 20 га яқин кимёвий модда қўшилган экан.

Мамлакатимизда Қурбон ҳайити кенг нишонланди

Мамлакатимизда кенг нишонланган Қурбон ҳайити тадбирларида халқимизнинг меҳр-мурувват, оқибат, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу фазилатлари яна бир бор намоён бўлди.

Жомеъ масжидларида ўқилган ҳайит намозларида мўмин-мусулмонлар Яратгандан юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўқин-соқчинлик ва фаровонлик бардавом бўлишини тилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотираси ёлга олиниб, Қурбон тиловат қилинди.



Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-қадриятлари қайта тикланди. Рамазон, Қурбон ҳайитлари эмин-эркин кенг нишон-

ланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу йил ҳам ушбу муборак айёмни кўтарин-

ки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан маълум қилишларича, мамлакатимиздаги барча маҳаллаларда Қурбон ҳайитига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ташкил

этилди. Кўчалар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳлар, қабристон ва масжидлар, тарихий обидаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилган хайрия тадбирлари халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатларини намоён этди.

Бу йўналишда тузилган жамоатчилик гуруҳлари томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ёшлар ўзгалар кўмагига эҳтиёжманд кексаларга уй ишларида кўмаклашди.

Байрам муносабати билан нуронийлар ва ёшлар иштирокида тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилди. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимизда бой маънавий

меросимизни асл ҳолича асраш ва келажақ авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан таништириш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Маҳаллаларда ташкил этилган авлодлар учрашувлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишларда уларнинг фаоллигини янада оширишда айна мудоаа бўлмақда.

Ҳайит муносабати билан ёрдамга муҳтож ногиронлар, беморлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига моддий ёрдам кўрсатилди. Бундай хайрли амаллар инсонлар ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ЎЗА

Реклама (эълон)

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк

2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади.

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.


Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|------------------------|-----|-----------|---------------------------|-----|-----------|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 | Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.



Паралимпиада-2016: ҳамюртларимизнинг шашти баланд

Яқиндагина Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган олимпиада ўйинларида спортчиларимиз тарихий натижаларни қайд этиб, барчамизни хушнуд этишган эди. Уларнинг муваффақиятидан руҳланган паралимпиячиларимиз ҳам Риода давом этаётган мусобақаларда Ватанимиз шайини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

Паралимпиада баҳсларининг илк кунидак 3 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронзани қўлга киритган спортчиларимиз рейтингда Хитой ва Буюк Британия делегациясидан кейин учинчи ўринни эгал-

лаб турганини кўришнинг ўзиёқ бизни ғурурлантириб юборгани бор гап. Мусобақадаги юртдошларимизнинг иш-тироқи том маънода бутун спорт жамоатчилиги хайратига сабаб бўлмоқда. Хусусан,


йирик халқаро спорт ташкилотлари ва кўплаб оммавий ахборот воситалари вакилларимизнинг муваффақиятларини ўзгача хайрат билан қарши олишмоқда.

Мусобақанинг тўртинчи

кунда икки нафар вакилимиз олтин медални қўлга киритиб, ушбу тоифадаги медаллар сонини 6 тага етказишди. Бундан ташқари, Ўзбекистон делегацияси ҳисобида 4 та кумуш ва 14 та

бронза, жами 24 та медал бор.

Ушбу кўрсаткич Осиё ва МДХ мамлакатлари ичида Хитой ва Украинадан кейинги иккинчи ўринни қайд этган.



Швайнштайгернинг шартномаси бекор қилинди

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Бастиян Швайнштайгер клуб билан тузган шартномасини бекор қилиб, эркин агент мақомини олди.

The Sun хабарига кўра, "МЮ" клуби раҳбарияти бош мураббий Жозе Моуриньо талабига кўра шу ишга қўл урди.

Бундан ташқари, Швайнштайгер шартномаси муддатидан олдин бекор қилингани учун клубдан 8 миллион евро тоvon пули ҳам олади.

Ширерга ҳайкал ўрнатилди

Англиянинг "Ньюкасл" клуби уй ўйингоҳи ҳисобланган "Сент-Джеймс Парк" стадиони яқинида жамоа тарихидаги тўпурақ футболчи — Алан Ширерга атаб ҳайкал ўрнатилди.


Бронзадан ясалган ушбу композиция "Local Hero" ("Маҳаллий қаҳрамон") деб номланади. Ҳайкалда Ширернинг навбатдаги голни нишонлаётган пайти акс эттирилган.

Эслатиб ўтамай, Алан Ширер клуб таркибиди 10 йил мобайнида 303 та учрашувда майдонга тушиб, ўз ҳисобига 148 та гол эъдириб қўйган.



Конте Гризманга қизиқмоқда

Daily Express хабарига кўра, "Челси" клуби бош мураббийи Антонио Конте клуб ҳўжайини Роман Абрамовичдан футбол тарихидаги энг қиммат трансферни амалга оширишини талаб қилмоқда.



Италиялик мураббий клуб сафиди "Атлетико" жамоаси ҳужумчиси Антуан Гризмани кўришни жуда истамокда. Футболчининг шартномасида белгилаб қўйилган 100 млн. еврога тенг тоvon пули Контени чўчитмаяпти, у футболчи бу нархга лойиқ, деб ҳисобламоқда.



«Интер» Йоветични сотиб олади

Италиянинг "Интер" клуби сафиди ижара асосида тўп сураётган Англиянинг "Манчестер Сити" жамоаси ҳужумчиси Стеван Йоветич миланликлар томонидан сотиб олинishi мумкин. Ижара шартномаси 2016 йилнинг 31 декабрида яқунланиши лозим, аммо унга кўра миланликлар Йоветични 12,5 миллион евро эвазига сотиб олиш имкониятига эга.

"Интер" шартномага кўра, Йоветични 2016/17 йилги мавсумда ҳам майдонга туширса, уни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳужумчи "Пескара" клубига қарши кечган баҳсда майдонга тушди.

Бироз вақт муқаддам Йоветич "Интер" клубининг Европа лигаси учун кўрсатилган рўйхатида киритилмагани хабар қилинган эди.

Италия клублари Фабрегасга харидор

Англиянинг "Челси" клуби ярим ҳимоячиси Сеск Фабрегас Италиянинг "Ювентус" ҳамда "Милан" жамоалари қизиқишлари доирасига кирган. Бу ҳақда Daily Express нашри хабар тарқатди.

Манбада айтилишича, лондонликлар устози Антонио Конте испаниялик футболчининг хизматларига муҳтож эмас ва унга бу ҳақда маълум қилган.

Қишки трансферлар мавсуми вақтида 29 ёшли ўйинчини "Милан" клуби сотиб олишга уриниб қўради. Хитойлик тадбиркорлар келгач, миланлик жамоанинг молиявий аҳволи анча яхшиланган.

Шунингдек, "Ювентус" клуби ҳам Фабрегас билан қизиқмоқда ва қишда футболчи бўйича таклиф билан чиқиш ниятида.

Интернет хабарлари асосида тайерланди

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Шавкат Абдуллаевага акаси **Баҳодир АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот эттанлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq

yuridik gazeta
Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul ko'lib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish taqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-6995. 38 372 nusxada bosildi.
Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**
Sahifalovchi: **S.BAVAJANOV**
Navbatchi: **O'.DEHQONOV**
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004